

**«ASIA ALLIANCE BANK»  
АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ**

---

**2018 йил учун  
«ASIA ALLIANCE BANK»  
АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ ФАОЛИЯТИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ ВА КЕНГАЙТИРИШ  
БИЗНЕС-РЕЖАСИ**



---

**«ASIA ALLIANCE BANK» АТБ КЕНГАШИ ҚАРОРИ БИЛАН ТАСДИҚЛАНГАН  
(30.11.2017 йилдаги К-96-сонли баённома)**

---

## Мундарижа

<b>КИРИШ .....</b>	<b>2</b>
<b>ЖОРИЙ АҲВОЛ ТАҲЛИЛИ ВА «ASIA ALLIANCE BANK» ШИОРЛАРИ.....</b>	<b>3</b>
Макроиқтисодий тамойиллар.....	3
Ўзбекистон банк сектори .....	5
Асосий воқеалар ва банкнинг жорий фаолияти .....	7
Банкнинг бозордаги мавқеи .....	8
<b>БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ .....</b>	<b>10</b>
Кредит фаолияти .....	11
Инвестиция ва эмиссия фаолияти .....	12
Банкларарабо ва валюта бозорларидағи операциялар .....	13
Вакиллик муносабатлари ва халқаро фаолият.....	14
Хизмат кўрсатиш тармоғини ривожлантириш ва корпоратив мижозлар .....	15
Чакана мижозларга хизмат кўрсатиш .....	16
<b>БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАНТИРИШ СОҲАСИДАГИ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАР .....</b>	<b>17</b>
Банкнинг тургунлигини ошириш ва таваккалчликни бошқариш тадбирлари.....	17
Ички назорат тизими.....	18
Ахборот технологиялари .....	19
Банк ходимларини камол топтириш .....	20
<b>МОЛИЯВИЙ РЕЖАЛАШТИРИШ .....</b>	<b>21</b>
<b>ИЛОВАЛАР</b>	

Баланс кўрсаткичлари истиқболи

Даромадлар ва харажатларнинг истиқболли ҳисоботи

## КИРИШ

Ушбу Бизнес-режа «ASIA ALLIANCE BANK» АТБ томонидан 2018 йилда амалга оширилиши режалаштирилган чора-тадбирларни, шунингдек банкнинг 2018 йил молиявий режасини ўз ичига олади.

«ASIA ALLIANCE BANK» Акциядордорлик тижорат банки (матн бўйича кейинги ўринларда - банк) 2009 йилнинг август ойида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 24.04.1997 й.даги ПФ-1749-сонли «Хусусий тижорат банклари ташкил этилишини рафбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони асосида ташкил топган. Банк ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 15.08.2014 йилдаги 79-сонли ва 20.09.2014 йилдаги 69-сонли лицензиялари асосида амалга оширади. Банкнинг Бош офиси 100047, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шахри, Махтумкули кўчаси, 2A-уй манзилида жойлашган.

Банк Ўзбекистон банклари ассоциациясининг, Фуқаролар омонатларини кафолатлаш жамғармасининг, Ўзбекистон валюта биржасининг аъзоси ва VISA International Халқаро ташкилотининг уюшган аъзосидир.

Moody's Investors Service халқаро рейтинг агентлиги томонидан миллий ва хорижий валютадаги депозитлар бўйича банкка узоқ муддатли ва қисқа муддатли рейтинглар B2 глобал шкаласи бўйича, контрагент таваккалчилиги (Counterparty Risk Assessment) бўйича B1 даражасида тақдим этилган. Банкнинг барча рейтинглари “Барқарор” баҳосини олган. Банк шунингдек “Ahbor-Reyting” маҳаллий рейтинг агентлигининг кредит рейтингини олган бўлиб, у миллий шкала бўйича “Барқарор” истиқболи бўйича “uzA+” даражасида баҳоланган.

## **ЖОРИЙ АҲВОЛ ТАҲЛИЛИ ВА «ASIA ALLIANCE BANK» ШИОРЛАРИ**

### **Макроиқтисодий тамойиллар**

2017 йилнинг ўтган даври мобайнида республикада макроиқтисодий вазият иқтисодий ислоҳотларнинг сифат жиҳатидан янги босқичига кўтарилиши, иқтисодиётни либераллаштириш, минтақаларни ривожлантириш комплекс дастурларининг фаол амалга ошириш шароитида шаклланди.

Хусусан, мамлакат иқтисодиётини диверсификациялаш, янги иқтисодий ва саноат ҳудудларини яратиш, инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш, иқтисодий рағбатлантириш чораларини кенг қўллаш орқали иқтисодиёт тармоқларига ва ҳудудларга хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича ҳаракатларни интенсивлаштириш бизнес ҳамжамиятида ижобий интилишлар учун асос яратди.

Айни чоғда, ташқи иқтисодий фаолиятнинг босқичма-босқич либераллаштирилиши ҳамда миллий валюта алмашуви ҳақиқий курсининг динамикаси экспорт орқали валюта тушумининг сезиларли даражада кўпайишига олиб келди, бу эса ўз навбатида иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш тармоғига ижобий таъсир кўрсатди.

Миллий валюта расмий алмашув курсининг жорий йилнинг январь-август ойларида жадал девальвациялавшуви ва аҳоли ҳамда тадбиркорлар ўртасида валюта бозорини либераллаштириш бўйича тахминлари реал сектордаги иқтисодий ғамда инвестициявий фаолликка турлича таъсир кўрсатди.

#### **Ўзбекистоннинг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари**

<b>Кўрсаткичлар</b>	<b>2017 йилнинг 9 ойида, млрд.сўм</b>	<b>2017 й.нинг январь-сентябрь ойидагига нисбатан % ҳисобида</b>
Ялпи ички маҳсулот	170 074,8	105,3
Саноат	99 060,5	105,6
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	46 194,3	103,5
Асосий капиталга инвестициялар	39 536,1	101,1
Хизматлар, жами	77 250,8	106,9
Курилиш ишлари	25 176,2	105,3
Чакана товар айланмаси	76 358,1	104,3
Ташқи иқтисодий айланма, млн. АҚШ долл.	19 951,5	116,7
- экспорт	10 359,6	125,6
- импорт	9 591,9	108,4
- сальдо	767,7	x

манба: ЎзР Давстат

Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни изчил

---

амалга оширилиши, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий соҳаларини тубдан ривожлантириш ва бунинг учун масъул муассасаларнинг фаолиятини таркибий қайта ташкил этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ўтказаётган испоҳотларнинг бажарилиши 2017 йилнинг 9 ойи давомида турғун ва барқарор ривожланишни ва иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини таъминлади.

2017 йилнинг 9 ойи давомида мамлакатда ЯИМ 5,3 фоизга, саноатда ишлаб чиқариш ҳажми 5,6 фоизга, қишлоқ хўжалигига 3,5 фоизга, хизматлар соҳасида 6,9 фоизга, қурилишда 5,3 фоизга ўсди. Таёр тўқимачилик маҳсулотлари ва тикувчилик-трикотаж маҳсулотлари соҳаларига йирик инвестициялар жалб этилди, енгил саноатнинг учта янги ва модернизация қилинган корхоналари ишга туширилди ва бу корхоналарда 1000 дан ортиқ янги иш жойлари барпо этилди.

Ўз навбатида, давлат бюджетининг даромадлари 35 589,5 млрд.сўмни, харажатлар 35 400,4 млрд.сўмни, яъни ЯИМ га нисбатан 20,8 фоизни ташкил этди. Давлат бюджети тасдиқланган кўрсаткичларга мувофиқ тарзда бажарилди ва ЯИМ га нисбатан 0,1 фоиз профицитга эришилди. Инфляция даражаси истиқболга белгиланган кўрсаткичлардан юқори бўлмади.

2017 йилнинг 9 ойи давомида шаҳарларда ва қишлоқларда арzon уй-жой қурилишига, йўл-транспорт, мухандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантиришга алоҳида эътибор ажратилди, бу эса аҳолининг муносиб турмуш тарзини таъминлашга хизмат қиласди.

Ўзбекистон Республикаси Статистика давлат қўмитасининг маълумотларига кўра 2017 йилнинг январь-сентябрь ойлари давомида истеъмол нархлари бўйича кўзда тутилган инфляция даражаси 7,8 фоизни ташкил этди, бу эса 2016 йилнинг шу давридаги кўрсаткичга (2,2 фоиз) нисбатан юқоридир.

Шу давр ичida озиқ-овқат маҳсулотлари бўйича нархларнинг ўртача ўсиши 7,6 фоизни (2016 йилнинг шу даврида 3,3 фоиз), ноозиқ-овқат маҳсулотлари бўйича - 8,6 фоизни (2016 йилнинг шу даврида 6,4 фоиз), хизматлар бўйича - 7,0 фоизни (2016 йилнинг шу даврида 7,0 фоиз) ташкил этди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг маълумотларига кўра, 2017 йилнинг 9 ойи давомида мамлакатнинг олтин валюта заҳиралари 750 млн.долларга ўсди ва 2017 йилнинг 1 ноябрь ҳолатига Ўзбекистон Республикасининг олтин валюта заҳираларининг ҳажми 26 млрд. долларни ташкил этди.

## Ўзбекистон банк сектори

2017 йилнинг ўтган 10 ойи давлат ва жамоат қурилиши соҳаси иқтисодиёт тармоқларида соҳада содир бўлган муҳим ўзгаришлар билан боғлиқ катта воқеаларга бой бўлди. Валюта бозорини либераллаштиришга қаратилган муҳим ўзгаришлар ва эркин конвертациянинг очилиши йилнинг энг муҳим воқелари бўлиб қолди, тадбиркорлик субъектлари ва банкларнинг ишчанлиги ва фаоллиги ўсиши учун катта омил бўлиб хизмат қилди.

Марказий банк томонидан 2017 йилнинг 28 июнидан қайта молиялаштириш ставкасини 9 фоиздан 14 фоизга кўтариш тўғрисида қарор қабул қилинди.

2017 йилнинг 1 октябрь ҳолатига банк тизимининг ялпи капитали ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 98,51 фоизга ўсиб, 16,7 трлн.сўмни ташкил этди. Банк тизими капиталининг етарлилиқ даражаси халқаро мёёрларда белгиланганидан 1,5 баравар кўп, унинг ликвидлиги эса талаб этилган минимал мёёрдан 4 марта кўпроқдир. Банкларнинг активлари 2017 йил 1 октябрь ҳолатига 161,1 трлн. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 112,02 фоизга ошди.

Иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилган кредитларнинг умумий ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 116,54 фоизга ошди ва 2017 йил 1 октябрь ҳолатига 103,2 трлн.сўмни ташкил этди (2016 й. III чорак натижаларига кўра 47,6 трлн.сўм).

Миллий валютадаги пластик карточкалар орқали нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш тизими муттасил суръатларда ривожланиб бормоқда, буни муомалага чиқарилаётган пластик карточкаларнинг сони, шунингдек тўлов терминаллари, инфокиосклар ва банкоматлар орқали амалга оширилаётган нақд пулсиз ҳисоб-китоблар суммаси ўсиб бораётгандиги ҳам кўрсатиб турибди. 2017 йил 1 октябрь ҳолатига муомалага чиқарилган пластик карталарнинг сони 2016 йил натижаларига нисбатан 5,76 фоизга ошди ва тақрибан 20,1 млн. донага, савдо шаҳобчаларида ҳамда хизмат кўрсатувчи корхонларда ўрнатилган терминалларнинг сони 231,5 минг донага, ўрнатилган инфокиосклар ва банкоматлар сони 5,4 минг донага етди. Мамлакатимизда пластик карталар воситасида амалга оширилган транзакцияларнинг умумий ҳажми 2017 йилнинг III чораги натижаларига кўра 40,5 трлн.сўмни ташкил этди.

2017 йил 1 октябрь ҳолатига Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан рўйхатга олинган ва фаолият кўрсатаётган тижорат банкларининг умумий сони 28 тадан иборат бўлиб, шу жумладан янги ташкил этилган “Ўзагроэкспортбанк” 2017 йилнинг июль ойида лицензия олган.

2017 йилнинг III чораги натижаларига кўра мамлакатимиз банклари бўлинмалари ва филиалларининг умумий миқдори ҳам шунингдек, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан яна тўққизтага ортиб, 887 бирликни ташкил этди. 2017 йил 1 октябрь ҳолатига республика банк секторида ишлаётган банк ходимларнинг умумий сони 55

минг кишидан иборат. Қиёслаш учун шуни ҳам айтиш керакки, 2016 йилнинг 1 октябрь ҳолатига банк ходимларининг умумий сони 51 минг кишидан иборат эди.

Банкларнинг молиявий барқарорлигини янада мустаҳкамлаш борасида олиб борилаётган самарали чора-тадбирлар уларнинг кредит лаёқати бўйича ижобий ҳалқаро рейтинг баҳоларини олишлари учун асос яратмоқда. Moody's ҳалқаро агентстлиги Ўзбекистон банк тизимига кетма-кет етти йилдан бери «барқарор» рейтинг баҳосини бермоқда. Ўзбекистон банк тизимининг фаолияти шунингдек «Standard & Poor's» ва «Fitch Ratings» рейтинг агентликлари томонидан ҳам ижобий баҳоланмоқда.

2018 йилда ҳам Ўзбекистон банк тизимининг динамик ривожланиш суръатлари , банклар капитализациясининг ва молиявий барқарорлигининг сақланиб қолиши ва мустаҳкамланиши, уларнинг мамлакат иқтисодий салоҳиятини ҳамда аҳоли фаровонлигини оширишдага аҳамиятининг ортиши кутилмоқда.

## Асосий воқеалар ва банкнинг жорий фаолияти

2017 йида банк ўз фаолиятини изчил ривожлантириш ва кенгайтириш, банкнинг молиявий барқарорлигини ошириш, заҳира базасини мустаҳкамлаш, кўрсатилаётган банк хизматлари турларини кенгайтириш ва сиқатини яхшилаш ишларини давом эттирди.

2017 йилнинг ўтган даври морбайндаги энг муҳим воқеа сифатида «ASIA ALLIANCE BANK» АТБ нинг эътиборли «The Banker» Халқаро нашри томонидан иккинчи карра Ўзбекистоннинг энг яхши банки деб эътироф этиши, шунингдек «GLOBAL FINANCE» халқаро молиявий журналининг баҳолашига кўра, 2017 йилда банк кетма-кет тўртинчи марта Осиё-Тинч океани минтақаси ривожланаётган бозорлари ўртасида Ўзбекистондаги энг яхши банк деб эътироф этилди.

Банк хизматлари сифатини яхшилаш соҳасидаги ютуқлари учун ва банк кўргазмалари ва танловларида қфаол иштирок этгани учун банкимиз банк ҳамжамиятлари ҳамда шерик-банкларнинг дипломлари ва мукофотларги билан тақдирланди.

### 2017 йилнинг январь-ноябрь ойлари мобайнида банк фаолиятидаги асосий воқеалар хроникаси

- |                  |  |
|------------------|--|
| Февраль 2017 й.  | «ASIA ALLIANCE BANK» АТБ Шайҳонтахур филиали «Шаҳар аҳолиси омонатларини жалб этиш бўйича йилнинг энг яхши филиали» номинацияси бўйича фахрли учинчи ўринни эгаллади   |
| Февраль 2017 й.  | “ASIA ALLIANCE BANK” АТБда Халқаро S.W.I.F.T. тизимининг Sanctions Screening сервис хизмати жорий этилди   |
| Март 2017 й.     | «Global Finance» халқаро молиявий журналининг баҳолашига кўра, «ASIA ALLIANCE BANK» 2017 йилда кетма-кет тўртинчи йил Осиё-Тинч океани минтақаси ривожланаётган бозорлари ўртасида Ўзбекистондаги энг яхши банк деб эътироф этилди |
| Июнь 2017 й.     | ПАО «ТрансКапиталБанк» (Россия) билан вакиллик муносабатлари ўрнатилди   |
| Сентябрь 2017 й. | Facebook да "ASIA ALLIANCE BANK" нинг расмий саҳифаси йўлга қўйилди.   |
| Ноябрь 2017 й.   | Эътиборли «Global Finance» Халқаро молия нашри ўзининг ноябрь ои сонида «ASIA ALLIANCE BANK» фаолияти тўғрисидаги мақлоани чоп этди.   |
| Ноябрь 2017 й.   | Эътиборли The Banker халқаро нашри томонидан ўтказиладиган Иил Банкини Мукофотлар Йиллик татнатаусида «ASIA ALLIANCE BANK» иккинчи карра “Ўзбекистондаги йилнинг энг яхши банки (2017)” номига сазовор бўлди!                      |

## Банкнинг бозордаги мавқеи

2017 йилнинг 9 ойи натижалари бўйича «ASIA ALLIANCE BANK» АТБ нинг фаолияти кўрсаткичларнинг барқарор ва бир маромда ўсиб боришини таъминлашга, шунингдек банкнинг рақобатбардошлиқ салоҳиятини мустаҳкамлашга йўналтирилди. 2016 йилнинг 9 ойи натижаларига нисбатан банк активлари 48 фоизга, кредит портфели 49 фоизга, депозитлар 66 фоизга, ялпи капитал 15 фоизга ошди.

Рақобат шароитида Банк мижозларнинг депозитлари ҳамда соф даромад бўйича ўз мавқеини янада яхшилашга эришди ва тегишли равишда 15 ҳамда 10 ўринларни эгаллади.

### «ASIA ALLIANCE BANK» АТБ нинг бозордаги мавқеи

01.10.2017 йил ҳолатига

Кўрсаткичлар	млн.сўм	Банк мавқеи
Ялпи активлар	1 562 604	16
Кредит портфели (соф)	875 862	14
Мижозларнинг депозитлари	1 184 213	14
Акциядорлик капитали	242 862	17

Активларнинг, депозит базасининг, капиталлашувнинг янада ўсиши ҳисобига Банкнинг рақобатбардошлиқ мавқеини бозорнинг асосий бўғимларида янада мустаҳкамлаш бугунги кунда ҳам долзарб масала бўлиб турибди. Таъкидлаш жоизки, Банкни ривожлантириш Стратегиясида 2017-2020 йиллар учун кўзда тутилган мақсадларида ҳар йили активларнинг камидаги 30 фоизга, капиталнинг эса 25 фоизга ўсиши мўлжалланган.

Корпоратив мижозларга хизмат кўрсатиш доирасида корпоратив мижозлар базасини кенгайтириш, мижозларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, уларнинг бўш пул маблағларини жалб этиш борасида муайян натижаларга эришилди. 2017 йилнинг 1 октябрь олатига мижозларнинг банк депозитларидағи пул қолдиқлари 1 184 млрд.сўмни ташкил этди, банк корпоратив мижозларининг сони 5,6 мингдан ошиб кетди.

Банкнинг муддатли заҳираларини корхоналарнинг ва аҳолининг бўш пул маблағларини муддатли депозит омонатларга жалб этиш ҳамда банк депозит сертификатларини сотиш орқали кенгайтириш бўйича эришган юқори натижаларини таъкидлаб ўтиш жоиз. 2017 йилнинг 1 октябрь ҳолатига муддатли ва омонат депозитларининг қолдиқлари 293 млрд.сўмдан ошиб кетди, сотилган депозит сертификатларининг ҳажми 105 млрд.сўмни ташкил этди.

Банкни барқарор ва турған ривожланишини таъминлаш мақсадида банк капитал базасини кенгайтиришга катта аҳамият ажратилмоқда. Хусусан, 2017 йилнинг 1 октябрь ҳолатига банкнинг ўз капитали миқдори 243 млрд.сўмни ташкил этди.

Ўтган давр мобайнида банк томонидан чакана хизматларни ривожлантириш ва банк изнесида чакана хизмат кўрсатиш бўлмасининг аҳамиятини ошириш бўйича бир қатор ютуқларга эришилди. 2017 йилнинг 1 октябрь ҳолатига Побанк томонидан аҳоли

---

учун миллий валбьютада 8 турдаги муддатли ва жамғарма омонатлари ва хорижий валюта 5 турдаги омонат таклиф этилди. Аҳолининг банқдаги омонатлари қолдиғи миқдори 146,6 млрд. сүмни ташкил этиб, 2 марта кўпайди. Жисмоний шахсларнинг халқаро пул ўтказмалари бўйича хизматларни ривожлантириш бўйича фаол иш олиб борилмоқда. Бугунги кунда банкда 7та халқаро пул ўтказмалари тизими бўйича хизмат кўрсатилмоқда.

Шунингдек, банкнинг миллий валютадаги ва халқаро пластик карталари воситасидаги оеҳперацияларни кенгайтиришга оид чора-тадбирлар кўрилмоқда. Ҳозирги кунда муомалага чиқарилган пластик карточкаларнинг сони 2016 йилнинг шу даврига нисбатан 24 фоизга ўсиб, 139,1 минг донани ташкил этмовда. Карталарнинг асосий қисми иш ҳақи лойиҳаси доирасида чиқарилган пластик карточкаларни ташкил этади. Ўрнатилган савдо терминалларининг сони 2961 донадат иборат.

Банкнинг молиявий барқарорлиги миллий ва халқаро шкалалар бўйича рейтинг баҳолаш натижаларидан ҳам кўриниб турибди. Бу борада рейтинг агентликлари тоимий мониторинг олиб бормоқда. Хусусан, банк миллий ва хорижий валютадаги депозитлар рэйтингида «Moody's Investors Service» рейтинг агентлигининг баҳосига кўра B2 шкаласи бўйича “Барқарор” истиқболли натижани сақлаб турибди.

Шунингдек, «Ахбор-Рейтинг» РА томонидан «uzA+» миллий шкаласи бўйича банкка “Барқарор” истиқболли баҳо берилган.

Банк ўзининг кучли жиҳатлари ҳисобланган активларнинг юқори сифатлилиги, банк таваккалчилиги устидан самарали назорат тизимини яратиш, истиқболли корпоратив мижозлар базаси, мижозларга очиқ юз билан қараш, тезкорлик билан қарор қабул қилиш тамойилига асосланган сифатли хизмат кўрсатиш, самарали банк фаолиятини юритиш каби жиҳатларни сақлаб ва мустаҳкамлаб келмоқда, бу эса рентабелликнинг юқори кўрсаткичларида, операция харажатларининг камчиқимлигига, мамалкат ва халқаро банк ҳамжамиятларида ижобий обрў-эътибор қозонишида ўз ифодасини кўрсатмоқда.

Банк хизматлари бозорида кучайиб бораётган рақобат, молиявий тизимни либераллаштириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар, шунингдек мамлакат банк тизимининг жадал суръатлар билан ривожланиб бораётганлиги банк фаолияти учун асосий туртки буўиб хизмат қилмоқда. Ана шу жиҳатлар банк фаолиятини барқарор ривожлантиришни таъминлаш, активларнинг юқори сифатини ушлаб туриш ва кредит портфелининг диверсификациясини янада яхшилаш, сотувлар тармоғини кенгайтириш ва банкнинг чакана бозордаги мавқенини бизнес-жараёнларни оптималлаштириш ва такомиллаштириш орқали мустаҳкамлаш, банкнинг рақабатбардошлиқ салоҳиятини кучайтириш бўйича бир қатор вазифаларни олдимизга қўйимоқда.

## БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙҮНАЛИШЛАРИ

2018 йилда банк бизнеси тижорат банклари олдига қўйилган қўйидаги устувор вазифаларни бажаришга қаратилади:

- банк бошқаруви тизимини такомиллаштириш, бизнес жараёнларни оптималлаштириш, банк маҳсулотларини стандартлаштириш, шунингдек меҳнат унумдорлигини ошириш;
- истиқболли инновация технологияларини янада ривожлантириш ва жорий этиш, телекоммуникацияч инфратузилмасини ва техник воситалар комплексини такомиллаштириш, сотувнинг электрон каналларини ривожлантириш;
- иқтисодиётнинг истиқболли тармоқларида, шу жумладан хизмат кўрсатиш ва туризм соҳаларида, саноатда ва қурилишда бозорнинг янги бўғимларини ўзлаштириш, шунингдек мамлакатнинг эркин иқтисодий худудларида фаолият кўрсатаётган корхонааналарни молиялаштиришда иштирок этиш;
- иқтисодиётни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта қуроллантириш молиялаштириш ҳажмини ошириш, шунингдек кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-куватлашда фаол қатнашиш;
- маҳсулотлар турларини ва сотув каналларини, шу жумладан оммабоп чакана маҳсулотларни кенгайтириш;
- рейтинг даражасини яхшилаш чора-тадбирларини амалга ошириш, корпоратив бошқарув услубларини такомиллаштириш, банк активларини шакллантириш ва бошқаришнинг илғор услубларини жорий этиш орқали банкнинг нуфузини ва унинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш, жумладан, Акциядорлик жамиятларининг фаолияти самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш Комиссияси томонидан тасдиқланган Корпоратив бошқарув Кодексининг тавсияларини жорий этиш орқали банкнинг нуфузини ва инвестицион жозибадорлигини юксалтириш;
- мижозларнинг қониқишини ўрганишнинг ва улар билан ўзаро муносабатларни мустаҳкамлашнинг, хизмат шароитларининг ўзгариши натижасида уларнинг банкка муносабатини ўрганишнинг янги механизмларини жорий этиш, шунингдек Банк томонидан тақдим этилаётган молиявий ечимларга мижозларнинг эҳтиёжини доимий ўрганиб бориш;
- Банк ходимларини камол топтира бориш ва меҳнатни рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш;
- банк таваккалчилигини энг яхши маҳаллий ва халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда баҳолаш фаолиятини янада такомиллаштириш.

## Кредит фаолияти

2018 йилда кредит фаолиятни сифат жиҳатидан янада ривожлантириш ва кредит портфели ҳамда унинг таркиби бўйича миқдорий кўрсаткичларга эришиш бўйича бир қатор муҳим вазифалар белгиланган.

2018 йилда кредит ажратиш ҳажми 767 млрд. сўм миқдорида режалаштирилмоқда. Кредит портфелининг қолдиғи (брутто) 2018 йилнинг охирига келиб 1 148 млрд. сўмни ташкил этади. Кредит портфелининг ялпи активларга нисбати 59 фоизни (2019 йил 1 январь ҳолатига) ташкил этади. Эҳтимолдаги заарларга қарши заҳира қолдиғи 15,6 млрд. сўм миқдорида режалаштирилмоқда, бу эса кредит портфели умумий ҳажмининг 1,4 фоизини ташкил этади.

2018 йилнинг охирига қадар узоқ муддатли кредитлар (лизинг) портфелини 1.046 млрд. сўмгача кўпайтириш кўзда тутилмоқда уларнинг кредит портфелидаги улуши 91 фоизни ташкил этади. Узоқ муддатли инвестиция кредитлари портфели салмоғини ошириш барқарор фоиз тушумлари манбанини яратиш имконини беради.

Кўрсаткичлар	01.01.2019 й. га режа млн. сўм
Кредит портфелининг қолдиғи (брутто), шу жумл.	1 148 111
қисқа муддатли кредитлар	101 649
узоқ муддатли кредитлар	1 046 462
Эҳтимолдаги йўқотишлар учун заҳира	15 627
Кредит портфелининг соғ қолдиғи	1 132 483
Эҳтимолдаги зарар заҳираси/кредит портфели, брутто	1,4%

Бизнес жараёнларни кредитлаштириш соҳасида оптималлаштириш чораларини амалга ошириш мақсадида скоринг моделларининг янги услубиятларини кўллаш ва кредит тарихи институтлари билан чакана кредитлашнинг замонавий турларини жаорий этиш бўйича ҳамкорликни янада кенгайтириш кўзда тутилмоқда.

Банк томонидан йирик савдо ва инвестиция лойиҳаларини респубуликанинг ва хорижнинг тижорат банклари билан синдикатлашган ҳолда кредитлаш имкониятларини ўрганиш бўйича ишлар олиб борилади.

Шунингдек, таълим муассасаларини битирган ёш тадбиркорларнинг, оиласвий тадбиркорлик субъектларининг, шунингдек мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини оширшга хизмат қиласиган ижтимоий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга бошқа истиқболли лойиҳаларини молиялаштириш ишлари давом эттирилади.

Кичик бизнес корхоналарининг узоқ муддатли истиқболли лойиҳаларини молиялаштириш манбалари бўлиб, банкнинг ўз кредит ресурслари, халқаро молия институтларининг, хусусан Хусусий секторни ривожлантириш бўйича Ислом корпорациясининг, Умумжаҳон банкининг кредит линиялари хизмат қиласиди.

Банк томонидан кредит портфелининг мос равишда диверсификацияланишини таъминлаш чоралари кўрилади. Чакана кредитлашни кенгайтириш доирасида банк томонидан чакана кредитлар портфелини камида 65 млрд сўмга ёки банк кредит

портфели ялпи ҳажмининг 6 фоизи миқдорида кўпайтириш режалаштирилмоқда. Жисмоний шахсларга бериладиган кредитларнинг асосий қисмини истеъмол кредитлари ташкил этади. Чакана кредит маҳсулотларини оммавий тарзда илгари суриш мақсадида реклама акцияларини ўтказиш, корпоратив мижозларнинг меҳнат жамоаларида кредит маҳсулотлари тақдимотини ўтказиш, маҳаллий товарлар ва хизматлар истеъмолчилари билан товарлар ва хизматларни харид қилиш учун истеъмол кредитларини тақдим этиш борасида музокаралар уюштириш мўлжалланмоқда.

Банк юзага келган бозор конъюнктурасини ҳисобга олган ҳолда кредитларнинг даромадлигининг мос даражасини таъминлашни кўзда тутмоқда.

Келгуси йили банк томонидан кредитлаш жараёнида янги банк маҳсулотларини ва технологияларини энг яхши маҳаллий ва хорижий тажрибаларни ҳисобга олган ҳолда йўлга қўйиш бўйича ишларни давом эттириш режалаштирилмоқда.

### **Инвестиция ва эмиссия фаолияти**

Банк инвестиция фаолиятини ўзининг истиқболли йўналишлардан бири деб ҳисоблайди, шунингдек Банк қимматли қофозлар бозорида малакали, шу жумладан инвестиция воситачиси, инвестиция активларининг ишончли бошқарувчиси, инвестиция маслаҳатчиси ва ҳ.к. сифатида фаолият юритиш имконятларини баҳолаш мақсадида Ўзбекистон фонд бозоридаги тенденцияларни кузатиб боришни давом эттиради.

2018 йилда Банк таваккалчиликнинг минимал даражаси шароитида барқарор даромадлилик даражасини таъминлай оладиган сифатли инвестиция портфелини шакллантириш бўйича ишларни давом эттириш режалаштирилмоқда.

Банк инвестиция фаолиятини ривожлантириш 2018 йилда инвестициялар орқали олинадиган самарадорликни оширилишини ҳам Банк капиталига уларнинг босимини оптимал даражада ашлаб турилишини назарда тутади.

Келгуси йилда банкнинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш мақсадида бир қатор чора-тадбирлар кўрилиши режалаштирилмоқда.

Банкнинг эмиссиявий фаолияти 2018 йилда қарзга оид ва улушли қимматли қофозларни чиқариш ва сотиш орқали банкнинг узоқ муддатли ресурс базасини мустаҳкамлашга қаратилади. Хусусан, барқарор ресурс базасини мустаҳкамлаш учун акцияларнинг ва депозит сертификатларининг навбатдаги чиқарилуви режалаштирилмоқда. Қимматли қофозлар чиқарилиши банкка банкнинг ресурсларини кенгайтириш ва диверсификациялаш имкониятини яратиб бериши ҳамда банкнинг барча омонатчиларига ўз бўш пул маблағларини жозибадор шартлар асосида жойлаштиришнинг муқобил имкониятини беради.

## Банклараро ва валюта бозорларидағи операциялар

Банк хизматлари турларини көнгайтириш, шунинг Банк фаолиятини самарадорлигини ошириш мақсадида дилинг операциялари соңасыда замонавий банк тажрибасини жорий этиш ишлари олиб борилмоқда. Хусусан, ҳозирги кунда халқаро валюта бозоридаги барча қорекс операциялари хоржий шенрик-банклар билан Томсон Рейтер компаниясынинг «FX Trading» савдо тизими орқали олиб борилмоқда. Ушбу тизим ҳар қандай суммага конверсия битимини тузиш, битимларнинг таннархини пасайтириш, битим шартларини шартлашиш муддатини қисқартириш, шунингдек валюта котировкаларни реал вақт шароитида олиш имконини беради.

Бундан ташқари Томсон Рейтер компанияси билан ҳамкорлик доирасида 2017 йилда «FX Trading» терминалда «Fxall» модулидан фойдаланиш борасыда келишув имзоланди, бу эса шерик-банклардан котировкалар оқими тұғрысда сүрвнома юбориш ва уларни олиш орқали битимларни мақбул нархларда бажариш, ташқи бозорда мижозлар билан амалга оширилган конверсион операциялар бүйича очиқ позицияларни автоматик тарзда ёпиш каби күплаб имкониятларни яратиб беради.

Банк томонидан бизнес-жараёнларни оптималлаштириш, хизмат күрсатиш сифати ва қулайлигини юксалтириш бүйича олиб борилаётган чора-тадбирлар доирасида 2017 йилнинг июль ойида ИАБС тизимида “Корпоратив Интернет банкинг” модулида янги «Конверсия онлайн» кичик изими ишга туширилди. Энди мижозлар Банк бўлимига ташриф буюрмасдан 5 минг АҚШ долларигача бўлган конверсия операцияларини масофадан туриб амалга оширишлари мумкин.

Ушбу йўналишдаги фаолиятнинг кейинги босқичида мижозлар билан ўзаро муносабатлар самарадорлигини янада юксалтириш учун масофдан хизмат күрсатиш каналлари орқали (Интернет ва мобайл банкинг) реал вақт режимида ўтказилаётган операциялар ҳажми чекламанмайдиган конверсия хизматлари тақдим этилишини янада көнгайтириш кўзда тутилмоқда.

Бозор иштирокчилари билан ҳамкорлик банклараро бозорда нуфузи ва ишончлилиги юқори бўлган банклар билан ўзаро манфаатли алоқаларни йўлга қўйиш орқали мустаҳкамланиб бормоқда. Банкни ривожлантириш стратегиясига мувофиқ банклараро пул ва валюта бозорида банк операцияларини чуқурлаштириш доирасида келгуси йилда қуйидаги тадбирларни амалга ошириш режалаштирилмоқда:

конвертация, банкнот битимлари ва бошқа турдаги хизматлар соңасыда мижозларга жозибадор банк хизматларини таклиф қилиш, шунингдек, мижозларнинг форекс операцияларига қизиқишини кучайтириш бўйича турли маркетинг тадбирларини ўтказиш орқали хизматлар ҳажмини ва турларини көнгайтириш;

корпоратив мижозларга валюталар котировкасини узатиш ва уларт орқали реал вақтда операциялар ўтказиш имконини берадиган конверсия хизматларини кўрсатиш бўйича онлайн платформани жорий этиш;

пул ва валюта бозорларида банкнинг ишchan фаоллигини ошириш, шунингдек банкнинг таниқлилигини ошириш бўйича тадбирлар ўтказиш;

пул ва валюта бозорлари таҳлилий материалларига оид ихчам туркумларни трансляция қилиш ва чоп этиш мақсадида турли ТВ каналлари ва ОАВ билан ҳакорлик ўрнатиш;

пул ва валюта бозорлари инфратузилмасини ривожлантириг соҳасида молия бозорининг турли институтлари лойиҳаларида иштирок этиш ва ҳамкорлик қилиш;

интеграл автоматлашган банк тизимида янги модулларни ишлаб чиқиш орқали дилинг операциялари жараёнларини такомиллаштириш, шунингдек жисмоний шахслар билан форекс операцияларини ўтказиш учун маҳсус мобил иловани ишлаб чиқиш;

савдо ва ахборот терминалларининг рентабеллигини таъминлаш;

бозор конъюнктураси ўзгаришига боғлиқ равишда бошқа тадбирларни ўтказиш.

### **Вакиллик муносабатлари ва халқаро фаолият**

Халқаро фаолиятини кенгайтириш борасида банк томонидан 2017 йилда халқаро молия институтлари билан кредит линияларини жалб этиш юзасидан алоқа ўрнатиш ва банкнинг халқаро кредит рейтингини мустаҳкамлаш бўйича мухим ютуқларга эришилди.

Турли хорижий ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш жараёнида Global Finance нуфузли халқаро нашри кетма-кет тўрт йилдан бери (2014, 2015, 2016, 2017 й.) ASIA ALLIANCE BANK ни “Осиё-Тинч океани минтақасида ривожланаётган бозорларнинг дунёдаги энг яхши банклари” номинациясида Ўзбекистоннинг энг яхши банки деб эътироф этди. Бундан ташқари 2017 йилда банк халқаро молия журнали ҳисобланмиш “The Banker” томонидан “Ўзбекистондаги энг яхши банк” деб тан олинди.

Вакиллар тармоғини янги хорижий банклар, хусусан Deutsche Bank (Германия), Credit-Suisse (Швейцария), Natixis (Франция), Credit Agricole (Франция), Сбербанк (Россия) билан алоқа ўрнатиш орқали дунёнинг етакчи банклари билан 2018 йилда вакиллик алоқаларини кенгайтириш режалаштирилган.

Узоқ муддатли кредит линияларини жалб этиш ва ўзлаштириш мақсадида халқаро молия институтлари (ЕТТБ, ХРА, ХТТБ, Савдони молиялаштиришни ривожлантириш Халқаро ислом корпорацияси ва б.) билан ҳамкорлик ўрнатиш ва ривожлантириш ишлар давом эттирилади. Жумладан, Халқаро ривожланиг Ассоциацияси (MAP) кредит линиясини “Ўзбекистон Республикасида чорвачилик тармоғини ривожлантириш” лойиҳаси доирасида, Халқаро Тараққиёт ва Испоҳот Банки (МБРР) “Саноат корхоналарининг энергия самарадорлигини ошириш”, Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавот тармоғини ривожлантириш” лойиҳалари доирасида жалб этиш ишлари олиб борилади.

Шунингдек банк халқаро рейтинг агентликлари билан ҳамкорлик ишларини олиб бораётир. 2018 йилда банкнинг халқаро рейтингини сақлаб қолиш ва яхшилаш юзасидан зарур тадбирлар амалга оширилиши режалаштирилган.

Банкнинг нуфузини маҳаллий ва халқаро майдонда янада мустаҳкамлаш мақсадида банк хорижий банклар, халқаро молия институтлари, «The Banker», «Global Finance», «Euromoney» каби нашрлар ва оммавий ахборот воситалари томонидан ташкил этиладиган турли халқаро банк кўргазмаларида, анжуманларида, семинарларида, тажриба алмашувида ва танловларида иштирок этишни давом эттиради;

## **Хизмат кўрсатиш тармоғини ривожлантириш ва корпоратив мижозлар**

Бугунги кунда банкнинг тижорат тармоғи банкнинг Бош оғисидаги Амалиёт бошқармасини, Шайхатоҳур, Олмазор, Мирзо Улуғбек, Миробод, Қарши, Бухоро ва Самарқанд филиалларини, 13 та мини-банкни ва 10 та маҳсус кассаларни ўз ичига олади. Минбанклар ва маҳсус кассалар йирик кормпоратив мижозларнинг биноларида мижозларимиз ва уларнинг ходимлари учун максимал қулайликлар яратиб бериш мақсадида очилган.

Банкнинг бозордаги мавқеини пойтахтда янада мустаҳкамлаш мақсадида 2018 йилда Тошкент шаҳрининг Чилонзор туманида янги филиал очилиши мўлжалланмоқда, шунингдек Фарҳона шаҳридаги филиал биносини қуриш ишлари бошлаб юборилади.

Банкни ривожлантириш стратегияси доирасида филиаллар фаолиятнинг самардорлигини мониторинг қилиш бўйича 2018 йилда банк филиаллари ходимларини рағбатлантириш ва мукофотлаш орқали рейтинг баҳолаш тизими самарадорлигини юксалтириш ишлари давом эттирилади.

Банк филиаллари фаолиятининг барқарор ва сифатли ривожланиб боришини, уларнинг рақобатбардошлилигини ва муҳториятини таъминлаш келгуси йилда ҳам банк филиал тармоғини ривожлантириш соҳасидаги асосий вазифамиз бўлиб қолади.

Филиалларнинг муддатли ва барқарор ўз ресурс базаларини яратиш бўйича ишларни юридик шахсларнинг бўш пул маблағларини муддатли депозитларга жалб этиш ва улар томонидан депозит сертификатларини реализаци қилиши ҳисобига фаоллаштириш, шунингдек чакана операцияларни ривожлантириш орқали филиаллар даромадларининг манбаларини кенгайтириш ишлари давом эттирилади.

Банкнинг чакана хизмат бўлинмалари рентабеллиги ошириш мақсадида янги банк хизматларини барча замонавий талаблар асосида кўрсата оладиган минибанкларнинг янги шаклларини бунёд этиш кўзда тутилмоқда.

2018 йилда банк хизмальарининг корпоратив блокини ривожлантириш ишлари давом эттирилади. Бунда асосий эътибор мавжуд мижозлар билан ўзаро муносабатларнинг интенсивлигини кўтаришга, шунингдек банк филиаллар таромоғини кенгайтириш доирасида янги корпоратив мижозларни жалб этишга қаратилади.

Корпоратив мижозларга хизмат кўсатишнинг асосий тамойиллари мижозлар учун максимал қулайликларни яратишдан, фақат уларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олиб ишлашдан, хизмат кўрсатиш учун сарфланаётган вақтни ва харажатларни қисқартишдан, операцияларни ўтказиш вақтини тезлатишдан, банк операцияларининг хавфсизлигини ва маҳфийлигини юксак технологиялар ва инновацияларни қўллаш, хусусан мижозларга масоғадан туриб хизмат кўрсатиш тадбирларини кенг жорий этиш, шунингдек мулойим тарифларни қўллашдан иборат.

2017 йил давомида корпоратив мижозларнинг депозит маблағлари қолдигини камида 25 фоизга ўстириш кўзда тутилмоқда.

## Чакана мижозларга хизмат кўрсатиш

Чакана фаолиятни ривожлантириш, ажратилаётган истеъмол кредитлари ҳажмини ошириш, банкнинг чакана амалиётларини фаол олиб бориш манбаини шакллантириш учун аҳолининг пул маблағларини жалб этиш, халқаро ва маҳаллий банк карталари билан операцияларни ривожлантириш вазифалари 2018 йилда ҳам устувор аҳамиятини сақлаб қолади. Ривожланган чакана бўғимини яратиш банкка ўз кредит ва депозит операцияларини, фоизли ва комиссион даромадларини диверсификациялаш имконини яратади ва шу орқали моляивий тавакалчилик хатарлари пасаяди. Бундан ташқари, чакана хизматлар бўғими чакана операцияларнинг нисбатан даромадли эканлиги нуқтаи назаридан ҳам истиқболли соҳа ҳисобланади.

2018 йилда чакана хизмат соҳасини ривожлантириш доирасида хизмат кўрсатиш тармоқларини кенгайтириш ва бозорда талаб катта бўлган оммавий маҳсулотлар ва сифатли сервисни ривожлантириш, хусусан омонатларнинг, кредитларнинг, банк ўтказмаларининг ва пластик карта бизнеси соҳасидаги хизматларнинг янги турларини жорий этиш бўйича ишлар давом эттирилади.

Ана шу мақсадда келгуси йилда мижозларга комплекс хизмат кўрсатишнинг замонавий марказларини ташкил этиш, сотувлар каналларини кенгайтириш, мижозларни босқичма-босқич онлайн платформаларига ва ўз-ўзига хизмат кўрсатиш шахобчаларига ўтказиш, талаб кучли бўлган кредит маҳсулотларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, банк мижозлари учун жозибадор ва ҳамиша очиқ чакана хизмат турларини кўпайтириш, кўрсатилаётган хизматларнинг тезкорлигини ва стандартларга мувофиқлигини ошириш орқали чакана фаолиятни ривожлантириш кўзда тутилмоқда.

2017 йилда карточка бизнесини ривожлантириш доирасида замонавий банк ускуналари паркини (инфокиосклар, кўп функцияли сўмдаги ва валютадаги банкоматлар) кенгайтириш орқали GlobUzCard тўлов тизимидан фойдаланиб карточкалар билан хизмат кўрсатиш ҳажмини ошириш, Mastercard WorldWide тўлов тизимига уланиш ишларини давом эттириш мўлжалланмоқда. Шунингдек 2014 йилда бошланган хусусий дизайнга эга бўлган пластик карточкаларни чиқариш бўйича ишларни янада фаоллаштириш режалаштирилмоқда, 2018 йилда уни банкнинг барча минтақавий филиалларида жорий этиш кўзда тутилган.

Келгуси йилда банк томонидан жисмоний шахслар учун турли функцияларга эга бўлган, жумладан онлайн тўловларни ўтказиш, ҳисобварақларни бошқариш ва банк ичидаги ҳисобварақлар бўйича пул ўтказмаларини бажариш, халқаро пул ўтказмаларини амалга ошириш имконини берадиган мобил иловани ишга тушириш имконини яратиш бўйича бизнес шериклар билан олиб борилаётган ишлар давом эттирилади.

Шунингдек, 2018 йилда аҳоли ўртасида тўловнинг ҳамда пул маблағларини жамғаришнинг қулай ва ишончли воситаси сифатида оммалаштиришга қаратилган хизматлар, яъни ижтимоий йўналтирилган карточкали банк маҳсулотлари ижтимоий, оиласвий, ко-брэндингли тижорат карталарини чиқариш, мукофотли, дисконтли ва ҳадяли лойиҳаларни жорий этиш ишлари давом эттирилади.

## БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАНТИРИШ СОҲАСИДАГИ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАР

### Банкнинг турғунлигини ошириш ва таваккалчилликни бошқариш тадбирлари

Банк бошқаруви жараёнининг таркибий қисми сифатида таваккалчилликни бошқарышнинг асосий мақсади Банкни стратегик ривожлантириш режаси доирасида унинг барқарор ривожланиб боришини таъминлашдан иборат. Таваккалчилликни самарали бошқарышнинг асосий вазифалари қуидагилардан иборат:

омонатчилар, кредиторлар ва акциядорлар ҳуқуқлари ҳимояланишини таъминлаш; Банк учун номақбул ҳодисалар содир бўлганда Банк йўқотишларини бартараф этиш, олдини олиш ва минималлаштириш;

фаолиятнинг барча йўналишлари бўйича таваккалчиллик/даромадлилик нисбатини оптималлаштириш;

таваккалчилликни бошқариш тизимини, шу жумладан лимит интизомини ташкил этиш ва такомиллаштиши;

амалдаги банк молиявий натижаларининг режалаштирилган кўрсаткичлардан фарқини пасайтириш;

рақобатбардошлилик бўйича мавжуд афзалликлар, хусусан мижозлар ишончи ва хизмат кўрсатиш сифати кабилардан самарали фойдаланиш ва б.

Банкда таваккалчилликни бошқариш ўз ичига қуидагиларни олувчи ташкилий тизим томонидан таъминланади:

Банкнинг тегишли сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, шунингдек қарорлар қабул қилиш бўйича масъул бошқарув органлари (Кенгаш ва Бошқарув, Банк таваккалчилигини назорат қилиш қўмитаси, активлар ва пассивларни бошқариш қўмитаси, Крайт ва Инвестиция қўмиталари);

ваколатлар ва масъулиятни банкнинг раҳбар органлари ва бўлинмалари ўртасида аниқ тақсимланиши;

таваккалчилликни бошқариш, раҳбарият учун мунтазам ҳисботларни тайёрлаш, шунингдек Банк таваккалчилигини назорат қилиш қўмитаси ва бошқа амалдаги қўмиталар учун зарур ҳужжатларни, жумладан таваккалчилликни самарали бошқариш бўйича таклифлар лойиҳасини тайёрлаш;

банк таваккалчилигини самарали бошқариш, таваккалчиллик даражасини, шу жумладан лимит интизимига риоя этилишини, ликвидлик кўрсаткичларини, капиталнинг адекватлигини ва рентабелликни баҳолаш, мажбурий меёrlарнинг бажарилмаслик сабабларини аниқлаш ва кўрсаткичларни энг камида меёрий кўрсаткичларнинг минимумигача кўтариш чораларни белгилаш имконини берувчи ахборот тизими.

Акциядорларнинг ва Банк мижозларининг манфаатларини ҳимоя қилиш, банк таваккалчилигини пасайтириш ва олдини олиш ҳамда банк фаолияти барқарорлигини таъминлаш учун Банкда Банк таваккалчилигини назорат қилиш қўмитаси ташкил этилган. Қўмита ўз фаолияти бўйича бевосита Банк Кенгashi олдида ҳисботдордир. Банк таваккалчилигини назорат қилиш қўмитасининг асосий вазифаси таваккалчиликнинг банкнинг молиявий ҳолатига таъсирини кузатиб бориш, кредит

таваккалчилигини бошқариш сиёсатининг самарали амалга оширилишини назорат қилиш, таваккалчиликни бошқариш таомилларининг тўлиқ қўлланиши ва самарадорлигига баҳо бериб бориш, Банк томонидан таваккалчилик бўйича қабул қилинган чекловларга амал қилинишини текшириб бориш, шунингдек хатарларнинг олдини олиш бўйича чоралар кўрилишига эришишдан иборат.

Банк таваккалчилиги бошқармаси томонидан доимий равища банк таваккалчилигини идентификациялаш, мониторинг қилиш, баҳолаш ва бошқариш ишлари олиб борилади, ҳар чорақда молиявий аҳвол ва Банк ликвидлиги стресс-синовдан ўтказилади. Банкка таъсир кўрсатувчи хатарларнинг ниҳоятда ранг-баранглигини ҳисобга олсан, йўқотишлар эҳтимоли даражаси бўйича кредит, бозор, ликвидлик, шунингдек амалиёт таваккалчилиги энг кўп хатарли ҳисобланади.

Банқда таваккалчиликни бошқариш қўйидаги босқичлардан иборат:

банк фаолиятида вужудга келадиган барча турдаги таваккалчиликларни идентификация қилиш;

идентификация қилинган таваккалчиликларни таҳлил қилиш ва баҳолаш, ялпи хатарлар ҳисобини олиб бориш;

стресс-синовларни ўтказиш;

хатарга оид операцияларни ўтказиш ёки ўтказмаслик тўғрисида қарорлар қабул қилиш, идентификацияланган таваккалчиликларни чеклаш, эҳтимолий йўқотишлар бўйича заҳира шакллантириш;

таваккалчяиликларни бошқариш бўйича ўрнатилган таомилларга ҳамда қабул қилинган таваккалчиликлар даражаси чекловларига риоя этилишини назорат қилиш;

банк фаолияти натижаларини ҳисобга олиган ҳолда муайян таваккалчилик қабул қилиниши билан боғлиқ равища ўрнатилган чекловларни доимий мониторинг қилиш ва оптималлаштириш.

2018 йилга банкнинг молиявий барқарорлигини янада мустаҳкамлаш ва таваккалчиликни бошқариш, банк таваккалчиликни бошқариш тизимида ахборот технологияларини ҳамда дастурий таъминотни жорий этиш, кенгайтириш ва фойдаланиш бўйича муайян вазифалар белгилаб олинган.

### **Ички назорат тизими**

Банк томонидан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши кураш бўйича Ўзбекистон Республикасининг 26.08.2004 йилдаги 660-II сонли "Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида"ги қонунига, бошқа меёрий ҳужжатларга мувофиқ зарур чора-тадбирлар кўрилмоқда. Банқда ички назорат тизимининг тўғри ташкил этилиши ва фаолият кўрсатиши учун масъул ҳисобланган Ички назорат бошқармаси фаолият кўрсатиб турибди, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши кураш бўйича ички қоидалар ишлаб чиқилган ва банк Кенгashi томонидан тасдиқланган.

Келгуси йилда ҳам ички назорат тизимининг самарали ишини ташкил этиш ишлари давом эттирилади. Ички назорат бўлинмаси ишининг самарадорлигини янада оширишни давом эттириш, шунингдек автоматлаштирилшан тизимнинг IABS ва "Ички

назорат” кичик тизимларининг имкониятларини ва таҳлилий салоҳиятини ошириш режалаштирилмоқда. Хусусан, қуидаги вазифаларни амалга ошириш кўзда тутилган:

SWIFT тизимида Sanctions Screening функциясини жорий этиш, шунигдек амалдаги IABS нинг тегишла функциясини кенгайтириш орқали **сую** рўйхатларида кўрсатилган шахсларнинг операциялари устидан назоратни тўлиқ автоматлаштириш;

“кенгайтирилган қидирув” кичик тизимининг таъсир доирасини кенгайтириш, қидирилаётган шахсларга оид маълумотни киритиш ва натижани чиқариб бериш қулайлигини ошириш орқали янада яхшилаш;

гумонли ва шубҳали операциялар бўйича ҳисоботларни бирлаштириш, гумонли ва шубҳали операцияларни аниқлашга оид ягона ҳисбот шаклини яратиш.

## Ахборот технологиялари

Ахборот технологияларини ривожлантиришнинг бош мақсади банкнинг барқарор фаолият иш юиритишини ва турғун ривожланиб боришини таъминлай оладиган замонавий АТ-технологиялари тузилмасини яратишдан иборат. Банк ахборотбанкнинг бекиёс рақбобатбардошлиқ афзалликларини технорлогиялари ривожлантириш асосий стратегик вазифаларни бажаришга, банк ички иш жараёнларининг автоматлаштирилишини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш, банк хизматларига замонавий АТ-технологияларни жорий этишдан иборат. Банки ривожлантириш стратегиясига мувофиқ ахборот технолгияларини банкнинг бекиёс рақбобатбардошлигини шакллантиришнинг турғун манбаларидан бирига айлантириш кўзда туилмоқда.

Банкда ахборот технологияларини ривожлантириш мақсадида 2018 йилга қуидаги чора-тадбирлар белгиланган:

банкнинг ва филиалларнинг АТ-инфратузилмасини ривожлантириш ва кенгайтириш, хусусан ускуналар паркини янгилаш, таҳлилий тизим учун сервер ускунасини харид қилиш ва ўрнатиш;

банкнинг бизнес жараёнларини такомиллаштириш ва оптималлаштиришга ахборот технологияларини кенг жорий этиш, жумладан банкнинг АБС тизими учун янги дастурий маҳслотларни ва иловаларни ишлаб чиқиш орқали бизнес-бўлинмаларнинг ишини енгиллатиш ва жадаллаштириш, уларнинг банк хизматларини тақдим этишдаги ишчанлик, очиқлик, тезкорлик, хавфсизлик, узлуксизлик сифатларини кучайтириш;

банк мижозларига хизмат кўрсатиш сифатини кўтариш имконини берадиган “Корпоратив интернет банкинг” ПК ИАБС ва “Овердрафт амалиётларини ҳисобга олиш” ПМ дастурий мажмуаси доирасида АТ-ижодкорлари билан “Банк ўтказмаси учун ариза” ва “Конверсия онлайн” лойиҳаларини ишга тушириш бўйича бюджетни ва жорий этиш жадвалини кўрсатган ҳолда ҳамкорлик қилиш;

юридик ва жисмоний шахслар учун масофадан банк хизматини кўрсатиш тизимини, жумладан “Жисмоний шахслар учун Интернет банкинг”, “Жисмоний шахслар учун мобиль банкинг” тизимларини янада ривожлантириш;

Банк веб-сайтини ривожлантириш ва янги йўналишларини жорий этиш, шунингдек унинг замоанвий талабларга жавоб беришини таъминлаш;

---

банк фаолиятини мониторинг ва башорат қилиш учун таҳлилий тизимни жорий этиш ишларини олиб бориш.

### **Банк ходимларини камол топтириш**

Банк жамоаси банкнинг асосий бойлиги ва рақобатбардошлик афзаллиги ҳисобланади. Ходимларни бошқариш тизимининг асосий мақсади банкнинг интеллектуал капиталини самарали бошқариш ва ривожлантиришдан, мутахассислар командасини банк стратегиясини оптимал харажатлар шароитида амалга оширишга қодир бўлган ишчанлик даражасида тутишдан, ходимларнинг хусусий ва банк манфаатларини уйғунлатиришга йўналтирилган касбий салоҳиятларини тўлиқ намоён этишлари учун шарт-шароит яратишдан иборат.

2018 йилда банкнинг ходимлар салоҳиятини янада ривожлантириш мақсадида қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш режалаштирилган:

банк Бош фоисини ва филиалларини банк соҳасида иш тажрибасига эга бўлган малкали мутахассислар билан ҳам, худди шу каби келгусида ўсиш истиқболига эга бўлган ёш битирувчилар билан ҳам тўлдириб бориш;

ўқитишининг янги технологияларини қўллаган ҳолда ходимларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, уларнинг республикадаги йўналтирилган ўкув юртларида таълим олишини, шунингдек турли маҳаллий/халқаро тренингларда, дастурларда, семинарларда иштирок этишини уюштириш;

банк операцияларига ихтисослашган ўкув марказларида тайёрлаш ва қайта тайёрлаш орқали аудиторларнинг малакасини доимий ошириб бориш;

касбий билимларни ошириш билан бар қаторда ходимларнинг шахсий хусусиятларини, жамоада аҳил ишлаш сифатларини ривожлантиришга қаратилган тренингларни ташкил этиш ва ўтказиш;

маркетинг, услубий ишланмалар ва МҲҲС ни жорий этиш соҳасида ходимлар салоҳиятини ошириш, шунингдек уларни янги банк хизматларини ривожлантириш ва жори йэтиш ишларига фаол жалб этиш;

банк фаолиятини умум қабул қилинган халқаро меёrlар ва стандартларга мувофиқ ривожлантириш ва янада такомиллаштиришнинг долзарб масалалари бўйича илмий-амалий конференциялар, семинарлар ва “давра суҳбат”ларини ташкил этиш;

банкнинг барқарор фаолиятини қўллаб-қувватлашга, унинг нуфузини мустаҳкамлашга ва мижозлар ишончини мустаҳкамлашган хизмат қиласидаги корпоратив ахлоқ ва усулни кундалик иш меёри ва анъанкасига айлантириш мақсадида Корпоратив этика кодексини жорий этиш;

қўйилган мақсадларга эришида ва вазифаларни бажаришда пировард натижага интилишни рағбатлантириш учун ҳам моддий ҳам маънавий рағбатлантириш механизmlарини такомиллаштириш ва оптималлаштириш.

## МОЛИЯВИЙ РЕЖАЛАШТИРИШ

Банк фаолиятининг устувор йўналишларини янада ривожлантириш бўйича белгиланган вазифаларнинг муваффақиятли амалга оширилиши натижасида 2017 йилда асосий молиявий кўрсаткичларнинг барқарор динамкасига эришиш кутилмоқда.

Фаолият миқёсини кенгайтира борар экан, банк молия бозорида эришилган мавқеларни сақлаб қолишга ва кредитлаш ҳамда чакана хизматлар кўрсатиш бозоридаги мавқеини янада мустаҳкамлашга ҳаракат қилади. Айни чоқда, Банк баланси ва даромадлари тузилмасини сифат жиҳатдан ўзгартиришга алоҳида эътибор ажратилади. Бунда банк фаолияти энг муҳим кўрсаткичларининг халқаро молия институтлари томонидан тавсия этилган ҳамда янги Базель келишувина мувофиқ келадиган оптималь нисбатига эришиш бош вазифамиз этиб белгиланган. Банк операцияларини кенгайтиришда асосий эътибор Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тавсия этилган банк тизимининг юқори даражадаги молиявий турғунлигини таъминлаш бўйича иқтисодий меёrlарни сўзсиз бажаришга қаратилади.

Банкнинг капитал базаси асосан банк ички манбалари ҳисобига, яъни, банкнинг соф даромадини капитализация қилиш ҳисобига ўсиб боради. Заем ресурбазасини шакллантирилиши юридик ва жисмоний шахларнинг маблағларини жамғармаларга жалб этиш, банкнинг қарзга оид қимматли қофозларини чиқариш орқали амалга оширилади.

Юқорида келтирилган таомийиларни ҳисобга олган ҳолда Бизнес-режага банк фаолиятининг истқбол кўрсаткичлари илова қилинмоқда.

Бизнес-режада кўзда тутилган тадбирларнинг муваффақиятли бажарилиши учун банк фаолиятининг қўйида келтирилган асосий мақсад ва истқбол кўрсаткичлари кўзда тутилмоқда. Мазкур мақсад ва истиқбол кўрсаткичлари банкнинг ҳар бир бўлинмаси ва фаолият йўналиши бўйича алоҳида батафсил истиқбол режаларини ишлаб чиқиш орқали амалга оширилади.

**ИСТИҚБОЛ БАЛАНСИ (млн. сўмда)**

<b>Кўрсаткичларнинг номи</b>	<b>01.04.2018</b>	<b>01.07.2018</b>	<b>01.10.2018</b>	<b>01.01.2019</b>
<b>АКТИВЛАР</b>				
Кассадаги нақд пул ва б. тўлов ҳужж.	80 457	85 309	89 939	95 201
ЎРМБ даги ва бошқа банклардаги пул маблағлари	439 077	500 067	564 488	578 246
Олди-сотди учун инвестициялар ва қимм. қоғозлар	16 041	16 041	16 041	16 041
Кредитлар, соф	900 510	983 683	1 064 000	1 132 483
Бошқа активлар	88 197	97 442	119 319	127 218
<b>Жами активлар</b>	<b>1 524 282</b>	<b>1 682 542</b>	<b>1 853 786</b>	<b>1 949 189</b>
<b>ПАССИВЛАР</b>				
Жами депозитлар	972 490	1 051 474	1 120 109	1 201 456
Бошқа банкларга тўланадиган ҳисобварақлар	90 000	20 000	20 000	30 000
Банкнинг қарзга оид қимматли қоғозлари	144 200	151 500	164 500	170 800
Бошқа мажбуриятлар	63 915	197 915	271 744	254 930
<b>Жами мажбуриятлар</b>	<b>1 270 604</b>	<b>1 420 888</b>	<b>1 576 352</b>	<b>1 657 186</b>
<b>Акциядорлик капитали</b>	<b>253 678</b>	<b>261 653</b>	<b>277 434</b>	<b>292 003</b>
Устав капитали ва қўшилган капитал	146 070	146 096	146 124	146 152
Захира капитали	24 677	27 677	27 677	27 677
Тақсимланмаган фойда	82 931	87 879	103 633	118 174
<b>Жами мажбуриятлар ва капитал</b>	<b>1 524 282</b>	<b>1 682 542</b>	<b>1 853 786</b>	<b>1 949 189</b>

**ДАРОМАДЛАР ВА ХАРАЖАТЛАР ТЎГРИСИДА  
ИСТИҚБОЛ ҲИСОБОТИ (млн. сўмда)**

<b>Кўрсаткичларнинг номи</b>	<b>01.04.2018</b>	<b>01.07.2018</b>	<b>01.10.2018</b>	<b>01.01.2019</b>
<b>Фоиз даромадлари</b>	<b>48 589</b>	<b>102 445</b>	<b>161 884</b>	<b>225 781</b>
<b>Фоиз харажатлари</b>	<b>21 444</b>	<b>43 420</b>	<b>66 682</b>	<b>92 735</b>
<b>Фоизсиз даромадлар</b>	<b>23 651</b>	<b>48 208</b>	<b>72 905</b>	<b>98 564</b>
<b>Фоизсиз харажатлар</b>	<b>7 902</b>	<b>16 028</b>	<b>24 022</b>	<b>32 773</b>
<b>Амалиёт харажатлари</b>	<b>26 840</b>	<b>55 181</b>	<b>85 795</b>	<b>119 466</b>
Суда ва лизинглар бўйича эҳтимолдаги зарарни баҳолаш	1 940	4 025	6 096	8 533
Даромад солигини баҳолаш	3 105	7 040	11 483	15 584
<b>СОФ ФОЙДА</b>	<b>11 010</b>	<b>24 958</b>	<b>40 712</b>	<b>55 253</b>